

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ЁШЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ҲАМДА ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Б. Шарафова¹

Аннотация:

Ушбу мақолада замонавий педагогик технологиялар ёрдамида ёшларга таълим-тарбия бериш ҳамда эстетик қарашларини ривожлантириш тўғрисида сўз юритилади. Бундан ташқари замонавий педагогик технологияларнинг фойдаланиш усуллари ҳам келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: педагогик тушунчалар, таълим, тарбия, маълумот, тарбия мониторинги.

doi: <https://doi.org/10.2024/cv70z966>

Бизга тарихдан маълум, инсониятнинг пайдо бўлиши ва унинг онгини ривожланиши билан нутқий ва маданий фазилатлари ривожланган. Ҳозирги даврда фан-техниканинг жадъал ривожланиб бориши инсоният олдида жуда кўп масъулиятни юкламоқда, жумладан ёшларни кенг доирада фикрлашлари, янги-янги ижодлар қилишларига ундамоқда. Инсониятнинг ривожланишида муайян босқичига келиб таълим-тарбия, фан-техниканинг ривожланиб бориши, маънавият-маърифат соҳаси каби эстетик тарбия соҳасининг ёшлар онгига таъсири борасида фикрлар, тарбиянинг ижтимоий-сиёсий, маданий ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти ҳам барқарорлашмоқда. Маданият жабҳаси аҳолининг турли категорияларининг табора ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондириши, халқнинг бадиий ҳаваскорлик ижоди турмуш тарзини бойитиши, соғлом инсоний талаб ва эҳтиёжларни ва юксак эстетик дидни тарбиялаши лозим. Жаҳон халқларнинг маданий савияси ўса борган сари санъатнинг, айниқса, эътика-эстетиканинг жамият ҳаётига, унинг маънавий-психологик муҳитига таъсири кўпая боради.

Ҳозирги даврда замонавий педагогик технологияларни ёшларга ўргатишнинг янги-янги ғоялар билан бойитиш талаб этилсада, аждодларимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги кўп асрлар давомида орттирган бой тажрибасини ўзлаштиришни янги замонавий педагогик технологиялар билан боғлаб ёш авлодни республикамиз тараққиётида фаол иштирок этадиган, соғлом ва билимдон қилиб тарбиялаш ғоят муҳим ва долзарб масаладир. Модомики шундай экан таълим-тарбия жараёнидаги педагогик ғоялар ва тушинчарарга тўхталамиз.

Асосий педагогик тушунчалар деганда, ҳар бир фанда бўлгани сингари педагогика фанида кўп қўлланилувчи асосий тушунчалар: таълим, тарбия (ўз-ўзини тарбиялаш, қайта тарбиялаш), маълумот, тарбия мониторинги каби тушунчалар тушунилади. Бундай тушунчалар фан тилида категориялар шаклида ҳам қўлланилади.

¹ *Б.Шарафова, СамДЧТИ катта ўқитувчиси*

Таълим-маҳсус тайёргарликка эга бўлган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, билим, қобилиятларни таркиб топтирадиган жараёндир. Бошқача қилиб айтганда таълим - бу ўқувчига табиат, жамият ва киши онги ҳақида илмий билимларни сингдириш жараёни бўлиб, унда икки томон - ўқитувчи ва ўқувчи иштирок этади ҳамда бу жараён бахсли жараёндир.

Тарбия - муайян жамият томонидан ижобий деб ҳисобланадиган фазилатларни “тарбияланувчилар онгига сингдириш учун уларни руҳиятига маълум мақсадга кўра тизимли таъсир кўрсатиш жараёни”дир. Тарбия-тажрибали кишиларнинг ўзи эгаллаган ижтимоий тажрибаларини тажрибасиз индивидларга бериш жараёндир. Чунки агар таълим бериш маҳсус тайёргарликни талаб этса, тарбияда маҳсус тайёргарликка эга бўлмаса-да, урф-одат, ўтмиш тажрибасига асосланган тажрибали ҳар қандай касб вакиллари ҳам катта мувоффақиятга эришишлари мумкин (масалан, ижтимоий ва оила тарбиясида).

Тарбия киши туғилгандан бошлаб ҳаётдан кўз юмгунга қадар вақт давомида давом этса, таълим чегараланган вақтда олиб борилиши билан ва маконий чегараланиши билан тарбиядан фарқ қилади. Таълим-маҳсус тайёрланган киши - ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилиши шарт.

Маълумот-таълим-тарбия натижасида олинган ва системалаштирилган билим, кўникма, малакалар ҳамда шаклланган дунёқараш мажмуидан иборатдир. Яъни таълим-тарбия маҳсулига маълумот дейиш мумкин.

Бироқ таълим, маълумот билангина кўпга бориб бўлмайди. Юксак инсоний фазилатларни онгли равишда ўзида шакллантира олган, этика-эстетикани фарқлай оладиган кишиларгина таълим ва маълумот олсалар, улар тарбия кўрган кишилар сифатида ҳурматга сазовор бўладилар, билим ва юксак ахлоқий фазилатлар уларнинг ҳам орасида эъзозланишларига, ёш авлоднинг эса улардан ўрнак олиб, фан, таълим-тарбияни янада ривожлантириш учун тўғри йўл танлашига сабабчи бўладилар. Халқимиз айтганидек, “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”.

Юртимиз Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш учун умумхалқ юриши бошланди. Минг йиллар давомида яратилган халқимиз қони ва жонига айланган маънавий дурдоналарга янгича қарала бошланди. Миллий анъаналарнинг қадрли кўтарилиши кераклиги эътироф этилди.

Маълумки, ота-боболаримиз қадим замонлардан яхшилиқни ёмонликка, маърифатни жаҳолатга, нурни зулматга карма-карши куйиб, ҳамиша маърифату-зиёни, адолату-эзгуликни олқишлаб келган. Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги ҳар бир жанр бир олам, одоб, таълим-тарбиянинг ўзига хос дарслиги дейиш мумкин. Халқ одобномаси ва ибратномасининг бу бой, теран, сермаъно, мазмунли соҳаси инсонни ҳар томонлама тарбиялаш, камолга етказиш, маънавиятимизнинг устивор, иймонъ эътиқодимизнинг бутун бўлишлигини, қадриятларимизнинг қадрланиш гаровидир. Хозирги жадал суратларда ривожланиб кетаётган замонда замон талаби шундан иборатки, ҳар қандай ҳолатда ҳам фақатгина таълим-тарбиягагина эмас балки барча соҳалар, касбларда замонавий технологияларни қўллаш ва фойдаланиш тўлиқ мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2000.

[2]. Алишер Навоий. Маҳбуб-ул-қулиб. Асарлар, 13-жилд. –Т.: 1966.

International Conference

ADVANCED METHODS OF ENSURING QUALITY OF EDUCATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS

- [3]. Педагогика. Мунавваров таҳрири остида. Т.: «Ўқитувчи», 1997.
- [4]. Бобомуродов А. Ислом одоби ва маданияти. –Т.: «Чулпон», 1995.
- [5]. Буюк сиймолар, алломалар. (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккирлар ва донишмандлар) 1-3-китоби. –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 1997.
- [6]. Занун Ш. Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида. –Т.: «Ўқитувчи», Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. –т.: «Шарқ», 1998.
- [7]. Иброҳимову ва бошқ. Ватан туйғуси. –Т.: «Ўзбекистон», 2000.